

---

## Бағдоддаги мактаб директорининг ўринбосари Жаҳон чемпионатида бронза медалга сазовор бўлди

Бағдод туманидаги 35-умумий ўрта таълим мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Ҳусниддин Ваҳобов Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун эркаклар ва аёллар ўртасида белбоғли кураш бўйича Жаҳон чемпионатида мваффақиятли қатнашиб, бронза медални қўлга киритди. Бу ҳақда мактабнинг ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиси Дониёржон Ҳамроқулов хабар берди.

Илк бор Наманган шаҳридаги “Баркамол авлод” спорт мажмуасида 8-11 сентябрь кунлари ўтказилган ушбу нуфузли мусобақа Спортни ривожлантириш вазирлиги, Наманган вилояти ҳокимлиги, Жаҳон белбоғли кураш ассоциацияси, Миллий Олимпия қўмитаси ҳамда Ўзбекистон белбоғли кураш федерацияси ташаббуси билан ташкил этилди.

Жаҳон чемпионатлари беллашувларида ўзбекистонлик полвонлардан ташқари, Россия, Хитой, Италия, Бельгия, Бразилия, Туркия, Эрон, Покистон, Ҳиндистон, Мўғулистон, Камерун, Грузия, Молдова, Латвия, Эстония, Қозоғистон ва Тожикистон каби кўплаб хорижий давлатлардан энг сара спортчилар қатнашган.

Мусобақада эркаклар белбоғли кураш ва ушбу спорт турининг эркин йўналишида 8 та вазн тоифаси, аёллар эса 5 та вазн тоифасида беллашдилар. Тумандошимиз – Ҳусниддин Ваҳобов 62 кг вазн тоифасида гиламга кўтарилиб, яқунда шоҳсупанинг 3-ўрнидан жой олди.

Бағдод тумани ҳокимлиги мазкур ғалаба билан ғолибни самимий қутлаб, унга туманимиз спорт жамоатчилигининг эзгу тилақларини йўллайди.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2022-09-12 10:24:55